Турар жой иқлими шароити ҳақида хабар берувчи хизматчилар маълумотида асосан йил давомида эсаётган шамолнинг маълум кунлардаги йўналиши ҳисобланади ва чизилади. Чизилган график асосида шамол қайталаниши ҳисобланиб, шамол кучининг миқдори инобатга олган ҳолда бино эскизи чизилади. Ёғ-мой саноати корхоналари асосан узлуксиз усулда ишлайди. Чунки ишлаб чиқариш энергетик, иқтисодий ва технологик афзалликларга эга. Гидрогенлаш цехида асосан йирик, катта ҳажми қурилмалар қўлланилади. Бундай қурилмалар юқори тебраниш ва шовқинга эга бўлади. Бундан ташқари бу қурилмаларда портлашга мойил водород ҳаво аралашмаси мавжуд. Шунинг учун ускуналар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ускуналар маълум таъминлаш мақсадида ускуналар маълум тартиб асосида жойлаштирилади. Бинолар камида 3,2 м баландликка эга бўлиши, ускуналар орасидаги масофа ҳамда м ҳаракатланувга қисмли ускуна ва қурилмалар учун масофа 1,5-2 м, ускуналар қатори орасидаги масофа камида 2,5 м бўлиши керак.

Гидрогенлаш цехида водород тўпланиб қолишини олдини олиш учун цех қисман очик ҳолда қурилади. Ҳозирги кунда хавфсизликни таъминлаш мақсадида цех тўлиқ автоматлаштирилган. Бу эса ишчилар ишини анча енгиллаштиради.

Шовқин ҳар хил частота ва тезликка эга бўлган товушлар йиғиндиси бўлиб, инсон организмига ноҳуш таъсир этади. Бунда инсон марказий асаб системасига таъсир этиб, унинг кўриш фикрлаш қобилиятини пасайтиради ва чарчашни тезлаштириб, бахтсиз ходисалар юзага келиши мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқариши цехларида шовқиннинг рухсат этилган даражасида юқори шовқинларида махсус ҳимоя воситалари қўлланилиши талаб этилади. Энг аввало бу нарса лойиҳалашда ва ускуналар ўрнатилаётган вақтда ҳисобга олиниши лозим. Иложи борица сершовқин цехларни бир жойга жамлаш ёки чекка жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Гидрогенлаш цехида қурилма катта бўлгани ва кўп сонли насос ва электродвигателлар қўлланилгани учун цех анча шовқинли ҳисобланади. Цехда барча қурилмалар резина билан маҳкамланган, электр жиҳозлари ерга уланган ва изоляция қилинган.

Шунга қарамай шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, ҳаракатланувчи қисмлар подишлинклари ҳолатини ўз вақтида текшириш, мойлаш, механизмларнинг қобиқлари ва тўсиқлари қурилмалари мустаҳкам ўрнатилганлиги текшириб туриш ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Цехда шовқин ва тебранишни ўлчаш, шароитни баҳолаш учун Ш-3, Ш-60, Ш-71, ИШВ-1, ВШВ-003, ВИП-2, ВИП-3 м, ВМВ-201 ва бошқа ўлчов асбобларидан бири ёки бир нечтаси бўлиши лозим.

СанПиН 0120-01 ва СанПиН 0122-01 га асосан шовқин рухсат этилган миқдор даражасидан ошиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда цех ходимлари асаб касалликларига, карликка дучор бўлиши мумкин. Ишчиларни чарчашдан, кўз толиқишидан ва бошқалардан сақлаш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари етарли ёритилган бўлиши керак. Ёритилиш даражаси маълум меъёрга эга бўлиб, ортиқча ёруғлик зарар ҳисобланиди. Ёритиш табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Гидрогенлаш цехлари одатда кундузлари табиий ёруғлик ва булутли кунлари ҳамда кечалари сунъий ёруғлик ёрдамида ёритилади. Табиий ёруғликдан фойдаланганда ёндан, тепадан ва аралаш ҳолатда уюштирилади. Сунъий ёритилганда эса ҳар хил ёритиш лампаларидан фойдаланилади. Ёритиш тизими турларини танлаш асосан бажарилаётган ишнинг технологик жараёнига, категориясига боғлиқ бўлиб, СНиП 11-4-79 асосида белгиланади. Табиий ёритилиш географик кенглик, йил фасли, куннинг вақти, ҳавонинг ҳолати ва бошқа бирликларга боғлиқ. Табиий ёритиш коэффициенти деган тушунча мавжуд бўлиб, СНиП-11-4-79 га асосан барча ишлар ушбу коэффициентга кўра 9 синфга бўлинган.

Маълумки гидрогенлаш цехида захарли газ – H_2 ва енгил учувчан органик модда буғлари миқдори кўпроқ бўлади. Бу эса ўз навбатида ишчи ходимларга салбий таъсир этиб, толиқиш, чарчаш, ҳар хил касалликлар келтириб, чиқаради. Цехда ана шундай нохушликлар олдини олиш, ҳамда портлаш ва ёнғин хавфини камайтириш учун шамоллатиш амалга оширилиши лозим. Одатда гидрогенлаш цехлари қисман очик бинода бўлгани учун кўпроқ табиий шамоллатиш туридан фойдаланилади. Лекин шунга қарамай барча гидрогенлаш цехларида сунъий шамоллатиг мосламалари, вакум насос, винтилятор, вакум конденсаторлар ўрнатилган. СН 245-71 га асосан цех дераза ва дарчалари бўлмагани сабабли ҳар бир ишловчига ҳаво алмаштириш $40 \text{ м}^3/\text{с}$ дан кам эмас.

СНИП 2.01.01.-85 га асосан цехда хизматда бўладиган шамоллатиш мосламалари ёнмайдиган, чакнаш ҳосил қилмайдиган материаллардан тайёрланган бўлади. Гидрогенлаш цехлари қисман очик бинода бўлгани учун қиш фаслларида ҳам иситиш мосламаларидан фойдаланилмайди. Бунда қурилмалардан чиқаётган иссиқлик ҳисобига цех қисман исийди. Гидрогенлаш цехида деярли барча қурилмалар электр токи билан ишлайди. Шунинг учун бу ерда электр жиҳозлари кўп қўлланади. Бу жиҳозлар созлиги доимо назорат қилиб турилади. Акс ҳолда носозлик туфайли ёки меъёрий талабларга риоя қилмаслик ишчи ва хизматчилар ҳаёти учун хавфли ҳисобланади. Бахтсиз ходисалар ва салбий жараёнлар олдини олиш учун мустахкам ва ишончли изоляция қопламалари билан қопланган, нейтралловчи химоя тизими ва автоматик химоя воситалари мавжуд электр

қурилмалари фойдаланилиши керак. Бу соҳада ГОСТ 12.1.019-79 га асосан лойихалаш шуларни бажарилади. Барча ускуналар ерга уланган бўлади. Бундан ташқари барча ишчи ходимлар шахсий ҳимоя воситаларига: комбинзон, махсус костюм-шим, резина этик, калиш, кўзойнақлар, чарм ва резина қўлқоплар, брезент енглар, бош кийимлари билан таъминланиши шарт.

Юқоридаги ҳимоя воситаларидан ташқари бошқа турдаги ҳимоя воситалари ҳам бўлиши лозим. Гидрогенлаш цехида ишловчи ходимларда қуйидаги шахсий ҳимоя воситалари бўлиши лозим: масус кийимлар (куртка, халат, шим), пойафзаллар (резина этик), зарарли ҳаводан сақланиш воситалари (газникоб, пневмолапка), бош ҳимоя кийимлари (каскалар), резина чарм ва ҳар хил қўлқоплар ва бошқалар. Цехда доимо захарли моддалар бўлиши сабабли ишчи ходимларга яна дермотологик яъни терини ҳимоялаш воситалари – совун, паста, крем ва мазлар ҳам махсус талаблар қўйилган бўлиб, улар қўлланилганда танада қолмаслиги лозим ёки цехдаги моддалар билан контактда бўлиб, салбий ҳодиса юзага келмаслиги керак. Махсус ҳимоя кийимлари

ГОСТ 12.4.103-83 га мувофиқ бир неча турли бўлиши мумкин. Булардан ташқари ишчи ходимлар кунига сут ва сутли махсулотлар истеъмол қилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир корхонада лойиха бўйича дам олиш овқатланиш, иш кийимларини сақлаш, ювиш ва ювиниш каби маданий санитар маиший хоналар ажратилиши қуйидаги СНиПларга асосан белгилаб қўйилган. СНиП -2.02.04-87, СНиП-2.09.04.83, СН-245-71. Маиший хизмат кўрсатиш хоналари жойлаштириш санитар жиҳатдан ишлаб чиқаришни қайси синфга бўлинишига боғлиқ. Ёнғин, портлаш ва газ ажратилиб чиқиши мумкин бўлган ҳолларда маиший хизмат хоналари ишлаб чиқаришдан ажратилган бўлиши шарт. Гидрогенлаш бўлимида маиший хоналар асосий ишлаб чиқариш биноси ичида бўлади. Ишчилар учун дам, ювиниш, кийиниш хоналари алоҳида бўлиб, қолган маиший хоналар умумкорхоналар учун биттдир.

Гидрогенлар цехи СНиП 2.01.02.85 ва ОНТП-24/86 га асосан ёнғинга хавфли “А” категорияга киритилади. Чунки цехда тез алангаланувчи енгил учувчан органик моддалар кўп миқдорда бўлади. Шунинг учун цех қисман очик бинода қурилади. Цех биноси портлаш хавфлилиги бўйича В-1а синфига, ёнғин хавфлилиги бўйича П-1 синфига киради.

Портлашга, ёнғинга хавфлилиги бўйича цех биносининг синфланишига қараб унга мос келадиган портлашдан ҳимояланган электр қурилмалари, ташқи таъсирдан ҳимоялаш усуллари танланади. Гидрогенлаш цехи портлаш ва ёнғинга мойил цех бўлгани учун унинг қурилиш материаллари ёнмайдиган бўлиши лозим. СНиП-11-90-81, ОНТП-24-86 га асосан цех биноси темир бетон ва ғишт конструкцияларидан қурилади. Гидрогенлаш цехида портлаш, ёнғин ва шу каби авариявий ҳодисалар содир бўлиш эҳтимоли юқорилиги учун одамларни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари бўлиши биноан лойихалашда, қуришда ҳисобга олинади. Эвакуация йўллари ёнғинга

чидамли материаллардан қурилган бўлади. Чиқиш йўли орасидаги масофа СНиП-2.09.02-85 га асосан бинонинг хажми ўтга чидамлилиги даражаси, ёнғин хавфлилиги категориясига кўра меъёр ҳисобида белгиланади. Цехда ёнғин зчириш бирламчи воситалар ҳам доимо шай туриши лозий. Бундан воситаларга ҳаракатланадиган, қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичлар, гидропульпатлар, челак, сувли бочка, белкурак, қумли эшик, асбест ёпгич, намот, ёнмайдиган намот материали ва бошқалар мисол бўлади.

Фавқулодда ҳолатда ёнғин содир бўлганда хабар бериш учун сигналли хабар бериш мосламалари ёрдамида чорлаш билан бирга кичик хажмдаги ёнғинга сув иситиш билан автоматик учиришга ҳам қодир бўлади. Ёғ-мой корхоналарида ёнғин ва портлаш хавфи кўпроқ бўлгани учун деярли кўп корхоналарда алоҳида ўт ўчириш командалари мавжуд. Бу командаларда махсус шу соҳа эгалари ишлайди. Бундан ташқари айрим корхоналарда кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари бўлиб, улар махсус кийим-кечак ва асбоб ускуна билан тўлиқ таъминланган бўлади.

Гидрогенлаш цехида водород ишлатилгани учун цех биносида доимо водород гази мавжуд бўлади. Бундан ташқари водород сақлаш сиғимлари ҳам мавжуд. Шунинг учун цех яшиндан ҳимоя қиладиган ва ёнғин олди олиниши талаб этилади.

**Экология
қисми**

					Саломас ишлаб чиқариш жарёни			
Изм	Лис	№ Хужжат	имзо	сана				
Битирувч		Исматиллаев			Экология қисми			
Рахбар		Юнусов И						
Каф.муд		Хамидов Б.Т.						
						Литр	Лист	Лист
					ТКТИ ООМТФ 38-09 АБ – 2013 й			

ЭКОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда глобал муаммоларнинг кўп қилишни бевосита ишлаб чиқариш табиий офатлар асосида юзага келадиган экологик муаммолар ташкил қилади. Экологик муаммолар шуниси билан қизиқки, улар инсоният кўпайиши ва тараққий этиши билан ошиб боради. Чунки табиат қонунига кўра бир нарса пайдо бўлса ёки кўпайса, иккинчи бир нарса йўқолади ёки камаяди.

Бунга Ўзбекистон микёсида кўплаб мисолларни келтириш мумкин: Оролнинг қуриши, ерларнинг чўлланиши, ҳосилдор ерларни шўрланиши, атмосфера хавосининг исиб кетиши, фасллар алмашинувининг беқарорлиги, ноёб хайвон ва ўсимликларнинг қирилиб бориши ва ўсимликларнинг қирилиб бориши ва хоказо.

Санаб ўтилган муаммолар барчаси бевосита экологиянинг бузилишига боғлиқ бўлиб, уларнинг ечими бир қанча чора тадбирлар ва илмий салоҳият ривожланиши орқали топилади.

Ўзбекистонда озик-овқат саноатида ҳам экологик вазиятни яхши деб бўлмайди. Масалан ёғ мой саноатида корхоналарида ҳавога чиқариб юборилаётган бензин, ҳар хил органик учувчи моддалар тозаланмасдан учуриб юборилмоқда. Бу эса атмосферани ифлослантирмоқда. Оқова сувлар эса канал ва сойларга ташлаб юборилмоқда. Булар ҳам ўз навбатида гидросферани ифлослантирмоқда. Умуман олганда Ўзбекистонда биосфера тозаллиги етарли даражада деб бўлмайди.

Юқоридаги экологик муаммолар олдини олиш ва табиатни асраш бўйича Ўзбекистон Республикаси конституциясининг қуйидагилар қайд қилинган:

Шу жумладан 50-моддасида Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишларига мажбурдирлар деб етилган.

55-моддасида Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир деб ёзилган.

Конституциядан ташқари атроф муҳит муҳофазаси бўйича қонун ва қарорлар мавжуд. Улар:

“Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги
Ўзбекистон Республикаси қонуни. 9 декабр 1992 йил.

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида” ги
Ўзбекистон Республикаси қонуни. 29 декабр 1997 йил.

“Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон
Республикаси қонуни. 20 декабр 1996 йил.

“Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида” ги
Ўзбекистон Республикаси қонуни. 26 декабр 1997 йил.

“Сув ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси
қонуни. 6 май 1993 йил

“Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон қонуни. 5 апрел 2002 йил.

Озиқ-овқат саноатининг ёғ-мой корхоналарида ҳар хил турдаги чиқиндилар чиқарилади. Лекин кўпгина чиқиндилар фойдали мақсадларда қайтадан ишлатилади. Ёғ-мой корхоналарида оқава сувлар (бензин аралашган сув, мой аралашган сув, шрот ва кунжара (аралашмаси) қуйқаси бор сув, тузли эритма аралашган сувлар ва ювинди сувлар), чанглар (шрот, кунжара ва катализатор чанглари, сода чанги, тупроқ чанги), захарли газлар (бензин бўғлари, водород ҳар хил енгил учувчан органик моддалар) ва қаттиқ чиқиндилар (тошлар, ҳар хил металллар, қум) мавжуд. Бу чиқиндилар корхонанинг қайси цехидан чиқишига қараб ҳар хил усуллар билан тозаланади. Масалан гидрогенлаш цехида атмосферага чиқиб кетаётган водород скрубберлар ёрдамида турли хил енгил учувчан органик моддалар, (алдегид, кетон, спирт) дан тозаланади ва бу моддалар скрубберлар ёрдамида ушлаб қолинади ва миқдори камайтирилади. Атмосферага чиқаётган катализатор чанглари эса махсус чанг тутгич мосламаларда ёки циклонларда ушлаб қолинади.

Чиқаётган оқава сувлар мой тутгич мосламаларидан ўтказилиб таркибидаги моддалар ушлаб қолинади. Булардан ташқари ҳозирги кунда кам чиқинди чиқарадиган ва хавфсизлантирилган автоматлаштирилган енгил технологиялар ҳам яратилмоқда.

Ҳар қайси тармоққа мансублигидан қатъий назар ишлаб чиқариш корхоналарининг барчаси учун таълуқли бўлган қуйидаги асосий 4та принцип бажарилса, чиқиндисиз технологик жараёнга эришилиш мумкин:

1. Махаллий оқава суларни тозалаш технологиясини қўллаш ҳисобига сувнинг айланма ҳаракатини ташкил қилиш, яъни табиий ер усти ва ер ости сувларидан тоза сув манбаи сифатида фойдаланишни чеклаш.

2. Бир корхона чиқиндиларини иккинчи корхона томонидан хом ашё, иккиламчи ашё сифатида фойдаланишни таъминлаш, яъни барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш ва фойдаланишга эришиш.

3. Хом ашё ва чиқиндилардан фойдаланишни таъминловчи турли ишлаб чиқариш корхоналарини бир ерга тўплаш - яъни турли корхоналарни территориал комплексини ташкил этиш.

4. Ишлаб чиқариш экологиязациялаш яъни хом ашёга махсус ишлов бериш йўли билан тозалаб, кейин фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар турлари ва миқдорини камайтириш. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ёғ-мой корхоналарининг гидрогенлаш цехларида бир неча хил захарли моддалар чиқиндилари чиқади. Уларнинг тури ва агрегат ҳолатлари ҳам турлича бўлиб, қуйидагилардан иборат.

Газ чанг чиқиндилари: Цехда жараён водород ёрдамида олиб борилади. Водород одатдаги хона шароитида газ холида бўлади. Гидрогенлаш цехлари қисман очиқ бинога жойлашгани учун бу газлар бевосита атмосферага чиқиб кетади. Бундан ташқари қуруқ катализатор заррачалари чанги ҳам бўлиб, уларнинг маълум қисми ташиш, юклаш пайтида чанг холида атмосферага кўтарилади ва шамол таъсирида атроф муҳитга

тарқалади. Ушбу газ чанг чиқиндилари рухсат этилган чегара концентрацияшгача ва ундан ҳам кам миқдоргача маълум мосламаларда ушлаб қолинади. Водород доимий равишда скрубберлар ёрдамида тозаланиб қайтадан фойдаланишга берилади. Чанг холидаги катализатор заррачалари циклонларга сўриб олинади ва чўктирилиб намланади. Газ чанг чиқиндилар миқдорини камайтириш барча ускуна ва мосламалар герметиклиги оширилган. Бундан ташқари маълум технологик кўрсаткичлар оптимал қийматда сақланиши йўлга қўйилган. Масалан катализатор намлиги 5-6% бўлганда кўп чангланмайди. Чунки

намлик етарли бўлганда, ташиш ва юклаш ишлари осон бўлади.

Автоклавга берилаётган водород босими доимий назорат қилиниши керак. Агар водород босими меъёрдан ошиб кетса ва ҳимоя клапанлари ишламай қолса, портлаш содир бўлади. Натижада водород атмосферага тарқаб кетади.

$$\begin{aligned} \text{бу ерда } \quad & \text{ЧММ}=2,01 \text{ мг/м}^3, \quad A=200 \quad W=3 \\ & H=5\text{м}, \quad F \cdot m \cdot n=1 \quad D=0.5 \\ & V=150 \text{ м}^3/\text{соат} \quad \Delta T=100-25=75^\circ\text{C} \end{aligned}$$

Ташланаётган учувчан органик модда миқдори $M=150 \text{ м}^3/\text{соат}$

$$f = \frac{10 \cdot W^2 \cdot D}{H^2 \cdot T} = \frac{10^3 \cdot 3^2 \cdot 0.5}{5^2 \cdot 75} = 2,4$$

$$m = \frac{1}{0.67 + 0.1 \cdot \sqrt{f} + 0.34 \cdot \sqrt{f}} = \frac{1}{0.67 + 0.1 \cdot \sqrt{2,4} + 0.34 \cdot \sqrt{2,4}} = 0,8$$

$$V_1 = \frac{\pi \cdot D^2 \cdot W}{4} = \frac{3.14 \cdot 0.5^2 \cdot 3}{4} = 0,5$$

$$V_m = 0.65 \cdot \sqrt[3]{\frac{V \cdot T}{H}} = 0.65 \cdot \sqrt[3]{\frac{0.5 \cdot 75}{5}} = 2,1$$

$$V_m > 2 \quad n=1$$

$$C_m = \frac{A \cdot M \cdot F \cdot m \cdot n}{H^2 \cdot \sqrt[3]{V_1 \cdot T}} = \frac{200 \cdot 150 \cdot 1 \cdot 0,8 \cdot 1}{5^2 \cdot \sqrt[3]{0.5 \cdot 75}} = 6,03$$

$$\text{ЧМЧ} = \frac{(\text{ЧММ} - C_\phi) \cdot H^2 \cdot \sqrt[3]{V_1 \cdot T}}{A \cdot F \cdot m \cdot n} = \frac{(2,01 - 6,03) \cdot 5^2 \cdot \sqrt[3]{0.5 \cdot 75}}{200 \cdot 1 \cdot 0,8 \cdot 1} = 1,92$$

АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНАЁТГАН ГАЗ-ЧАНГ ЧИКИНДИЛАРИ ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ

атмосфера га ташлана ётган газ ёки чанг чикиндила ри манбалари	газ ёки чанг чикинд и ларни таркиб и	чикинди ларни микдори м ³ /соат		газ ёки чанг чикиндиларни микдори м ³ /соат		ЧМЧ	куллани лаётган тозалаш усуллари, жихозлар и	газ ёки чанг чикин ди ларни рекупе рацияс и
		газ	чанг	тозала нмасда н ташла наётга н	тозалаш га бера ла ётган			
автоклав скрубберл ар солемас йигич	енгил учивча н органи к модала р аралаш маси водоро д	150			23	1.92	фракция лаш скруббер	

Оқава сувлар бўйича

Ёғ-мой корхоналарида сувга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб, ҳар бир корхона ўз сув таъминот хўжалигига эга. Мана шу сув таъминот хўжалиги корхонадаги барча цехларни ва маиший бино ва боғларни сув билан таъминлайди, оқава сувларни тозалайди ва қайта ишлайди. Гидроинлаш цехида ҳам сув таъминоти бевосита сув таъминоти хўжалиги томонидан бажарилади. Унда сув технологик ва маиший мақсадларда фойдаланилади. Технологик мақсаддаги сувлар истеъмол учун, ювиниш ва хоналарни ювиш учун сарфланади. Ишлатилган барча сувлар сарфланади. Ишлатилган барча сувлар оқава сувларга айланиб яна қайтадан сув хўжалигига берилади. Гидрогенлаш цехидан чиқаётган барча оқава сувлар оқава сувларнинг 4 гуруҳ синфини ўз ичига олади. Яъни улар таркибида йирик дисперс заррачалар (катализатор заррачалари), майда заррачалар (поллар ювиндиси),

сувда эримайдиган органик моддалар (ёғ кислоталар, мой) ва сувда эригананорганик моддалар (ишқор, тузлар кислоталар) мавжуд.

Гидрогенлаш цехидан чиқаётган оқава сувлар цехнинг ўзида бирламчи тозалашдан ўтказилади. Бунда механик ва физик кимёвий тозалаш усулларида кенг фойдаланилади. Мой аралшган оқава сув тиндириш ва центрифугалаш усули билан ажратилса катализатор заррачалари билан ифлосланган сув коагуляция усули билан тозаланади. Бунда тузли сув коагулент вазифасини ўтайди. Бу тозалаш усуллари регенератив усул хисобланиб, ажратилган мой ва катализатор яна қайтадан гидрогенлаш жараёнига қайтарилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек ёғ-мой корхоналарида алоҳида сув таъминот хўжалиги борлиги учун гидрогенлаш цехларидан чиқаётган оқава сувлар фақат бирламчи тозалашдан ўтказилади, яъни цехда сувларни тозалашнинг локал схемаси мавжуд эмас. Ёғ-мой корхоналари оқава сувларни керакли даражада тозалашини таъминлаб бермайдиган корхоналар сирасига киргани учуноқава сувлар канализацияга ташлаб юборилади. Агар корхона раҳбарлари экологик муаммоларни олдини олишга ва корхона иқтисодий тежамкорлигини оширмоқчи бўлса, биз уларга оқава сувларни тозалаш ва зарарсизлантиришни тавсия этардик. Чунки тозаланадиган сувлардан техник мой, катализатор заррачалари ва бошқа моддалар ушлаб қолинади ва яна техник мақсаддаги сув сарфи ҳам тежаб қолинади. Бу нарсани амалга ошириш учун мой тутгич ва скруббер тутгич ускуналарини қўллаш, филтрлаш мосламалари, тиндириш ховузлари, ҳамда биокимёвий усул билан микроорганизмларни қўллаб сувни зарарсизлантириш мосламалари ўрнатилиши ва қўлланилиши лозим.

Гидрогенлаш цехининг сув билан таъминланиши

Сув билан таъмирлаш манбаи	Сувдан фойдаланиши меъёри		Айланма ҳаракатдаги хажми	Тоза сувни тежаш %
	Лойиха бўйича	Аслида		
бирлиги	м ³ /соат	м ³ /соат	м ³ /соат	%
Гидрогенлаш цехи	16.1	15.8	8	51

Изох: Агар юқоридаги тавсия этилган фикр ва мулоҳазалар инобатга олиниб, бир неча хил тозалаш усуллари комплексдан фойдаланилса, цехдаги сувнитежаш самарадорлиги 90-95% гача оширилади.

Оқава сувлар ва уларни тозалаш.

Оқава сувларнинг турлари	Оқава сувларнинг хажми, м ³ /соат		Ифлосликларнинг таркиби г/л	Тозалаш усуллари	Тозалагич мосламалар ва ускуналар	Тозаланган сувнинг ишлатилиши йўллари
	Тозаланётган	Ташлаб юборилаётган				
Маиший хўжалик	2.5	—	курук қолдиқ - 900, хлорид-400 ХПК-500 мой -500	Нейтраллаш биологик	ёғ ажратгич	
Технологик	6.5	—	БПК-300 Н ₂ SO ₄ -450 ёғ	Нейтраллаш биологик	ёғ ажратгич	

Гидрогенлаш цехида қаттиқ чиқинди сифатида фақат катализатор бор бўлиб, у ҳозирги кунда металлургияда кўшимча ҳам ашё сифатида ишлатилади. Ундан-никел, мис каби рангли металллар ажратиб олинади.

жараёни номи	чикинди ларни тури	тайёр маҳсулотни бирлигига тугри келаётган чикинди лар микдори	чикиндилар таркиби		чикиндиларни ишлатилиши		ишлатилмайдиган чикиндилар ва зарарсизлан тириш йўллари
			асосий моддалар микдори	қушимча моддалар микдори	узини корх, микдори	четга сотилиши, микдори	
катализатор	каттик	80 кг/сут	NiCu		80кг/сут		Кумиб юборилади

**ФУҚАРО
МУҲОФАЗАСИ**

					<i>саломас ишлаб чиқариш жараёни</i>				
<i>Изм</i>	<i>Лис</i>	<i>№ Хужжат</i>	<i>имзо</i>	<i>сана</i>					
Битирувчи		Исматиллаев			ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ				
Рахбар		Юнусов И							
Каф.муд		Хамидов Б.Т.							
					<i>Литр</i> <i>Лист</i> <i>Лист</i>				
					ТКИ ООМТФ 38-09 АБ – 2013 й				

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси нафақат Ўрта Осиёнинг марказий қисми балки Евро Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, умумий майдони 447,4 минг км² ни ташкил қилади. Аҳолиси жиҳатидан Марказий Осиёда энг катта давлат бўлиб, салкам 30 миллион кишидан ортиқ.

Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири аҳолии ва ҳудудларни табиий ва техноген фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатдир. Президент И.А. Каримов шу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб ўз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларида «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулотда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб таъкидлаб ўтадилар. Шундай экан фавқулотда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган хавфдан огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, фавқулотда вазият юз берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарарни кам бўлишини, хавфсизликни ўз вақтида таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Шундай экан, фавқулотда вазиятнинг олдини олиш, аҳолини ушбу хавфдан огоҳлантириш, фавқулотда вазиятлар юз берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик ҳамда иқтисодий зарарни камайитириш вазифалари долзарб масала бўлиб келмоқда. 1994 йил 4 – мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фавқулотда Вазиятлар Вазирлигининг ташкил этилиши тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Ўзбекистонда ФВВ ташкил этилгандан сўнг ўтган давр мобайнида Республика аҳолисини, ҳудудларини йирик объектлар ва моддий-маънавий бойликларини турли ФВлардан ҳимоя қилишга қаратилган қонун, қарорлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Жумладан:

1) Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш туғрисида қонун

1999 йил 20 августда қабул қилинган. Бу қонун 5 бўлим ва 27 моддадан иборат.

2) Фуқаро муҳофазаси туғрисида қонун 2000 йил 26 майда қабул қилинган. Бу қонун 4 та бўлим ва 23 моддадан иборат.

3) Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг ОИВ касаллигининг олдини олиш туғрисида қонун 1999 йил 19 августда қабул қилинган.

4) Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги туғрисида қонун 1999 йил 20 августда қабул қилинган.

5) Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш туғрисида қонун 2000 йил 31 августда қабул қилинган.

6) Радиациявий хавфсизлик туғрисида қонун 2000 йил 31 августда қабул қилинган. Бу қонун 5 бўлим ва 28 моддадан иборат.

7) Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги туғрисида 2006 йил 28 сентябрда қабул қилинган.

Республикаимиз географик ва ресурслари жиҳатидан олиб қараганда ривожланиши учун катта имкониятларга эгадир. Лекин шунга қарамасдан бизнинг энг катта бойлигимиз, бу фуқароларимиздир. Президентимиз айтганидек, бу даражадаги тиришқоқ ва меҳнаткаш халқ фақат бизнинг юртимизда бор.

Шу билан бир қатор муаммолар (Орол муаммоси) кўпайиб кетаётган, гуллар экологик ўзгараётган ҳудудлар билан бир қатордаги ўта мудҳиш ва бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири турли хил экстремистик характердаги кўпоровчиликка қарши курашиш ва халқни, фуқароларни бундай шикастлардан сақлаш каби муҳим масалалар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда бу улушлар тўғри давлатимиз зиммасида бўлиб фуқаролар тенглиги осойишталигини сақлаш экологик тўфонларни олдини олиш ва оқибатларини кам шикастлар билан йўқотиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва президентимиз томонидаги кўплаб чора тadbирлар қурилган ва бугунги кунда ҳам давом этаяпти, Республикаимиз Президентининг фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш туғрисида фармони ҳам шу жумласидандир.

Аҳолини ва халқ хўжалигини объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилиш самарали тизимини ташкил этиш мақсадида қуйидагилар курсатиб утилган:

Ўзбекистон Республикаси Мудофа Вазирлигининг фуқаро мудофаси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ичида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилсин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин.

Аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этиш таъминлашга раҳбарлик қилиш.

Белгилаб қўйилсинки Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларини бажариш вазирликлар, идоралар, уюшмалар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш туғрисида бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилинсин.

Фуқаролар мудофаси аҳолини ҳудудий тармоқларини фалокат табиий офатлар ва замонавий зарарловчи воситалар таъсири натижасида мудофаа

қилиш мақсадида ўтадиган иқтисодий ижтимоий турдаги умумдавлат чоратadbирлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил

15 - декабрдаги терроризмга қарши кураш тўғрисида қонуни қуйидагилардан иборат. Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Гаровга ушлаб турилган шахсни қўлга олингани ёки ушлаб турилгани шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимият ва бошқарув органларини халқаро ташкилотларни бирон-бир ҳалокат содир этишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган шахс.

Терроризм – бу сиёсий диний ва мафкуравий мақсадларга эришиш учун зўравонлик билан қилинган адолатсиз ҳаракатдир.


4-моддасида Терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари.

5-моддасида Террорчилик фаолиятини олдини олиш.

28-моддасида Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишга зарур бўлган шахсдир. Терроризмга қарши курашда бевосита иштирок этаётган шахслар қонун ва давлат ҳимоясидадир.

Шу соҳада айтиш жоизки, терроризм ва экстремистик гуруҳлар ҳаракати ҳозирги энг муҳим хавfli ва мудҳиш оқибатлар билан бутун жаҳон ҳамжамиятини таҳликага солмоқда. Яқинда Республикамизнинг Андижон вилоятида бўлиб ўтган қўпоровчилик ҳаракатлари бунинг яққол мисолидир. Ушбу террорчилик ҳаракатларини бартараф этишда халқимизнинг бир қатор мард ўғлонлари нодонларга қилинган тажовуз оқибатида ҳалок бўлдилар. Лекин уларнинг оилалари давлат ҳимоясидадир.

Корхона фуқаро муҳофазати ташкил қилиш схемаси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
№ 455, 27.10.1998 йилга асосан қуйидаги ҳалокатлар содир бўлиш
эҳтимоли мавжуд.

Хавфли кимёвий объектлар ҳалокатлари: Ёнғин юқори кўрсаткичли ЙҚБК,
портлаш ва КТЗМ ни танлаш;

Ёнғин ва портлашга хавфли объектларда бўладиган ёнғин ва портлаш;

Геологик ҳодисалар зил-зила одамларни ҳалок бўлиши.

Бинолар бузилиши 4 хил кўринишда бўлади: кичик, ўрта, кучли ва тўла
бузилиш. Кичик ва ўрта бузилишда бинолардан фойдаланса бўлади, кучли ва
тўла бузилишдан бинолардан фойдаланиб бўлмайди.

Объект номи	Бузилиш даражаси		
	Кучли К Па	Ўрта К Па	Кучсиз КП
Бино: метали ва темир бетон асосли шитли	60-50 35-25	50-40 25-15	40-20 15-8
Йўллар: асфальт ва бетонли	3000	1000	300
Транспорт: вагон ва цистанция	90-60	60-40	40-20
ер ости кабеллари	1500-1000	1000-800	800 гача
ер усти кабеллар	100-70	50-30	30-10
кувурлар ер ости пулат (d=350 мм)	2000-1500	1500-1000	1000-600
ер ости сув газ канализация учун	1500-1000	1000-600	600-400

Гидрогенлаш цехида ишлатиладиган КТЗМ лар захарлилиги бўйича “А” синфига киради ва КТЗМ лардаги водород ишлатилади. Булар асаб ва касб касалликларини келтириб чиқариши билан бирга унинг ҳаводаги концентрацияси портлаш ҳафсига етиши мумкин. Гидрогенлар цехини лойихалашда доимо шамоллатишни асосий йўналиги ҳисобга олинади. Шунингдек ўт ўчириш қурилмалари ҳам шамол йўналишига қараб қурилади. Шахсий ҳимояга келсак шахсий ҳимоя воситаларининг бир неча тури мавжуд: улардан-нафас олиш органлари ҳимояси учун газникоб ва респираторлар ишлатилади.

ГП-5М, ГП-5 кулранг ҚД ИП-4, ИП-5, ИП-46 ва Р-2 респираторлар тиббий ёрдам учун аптечкалар АН-2 ишлатилади оёқ кийимлар чармли ва резинкали этиклар. Бадан ҳимояси учун махсус костюм ва шимлар; комбензонлар А-1 сигнал костюмлари, кўз-ҳимояси учун герметик ва очик кўзойнаклар.

Бош учун: каскалар билан таъминланади. Гидрогенлаш цехида қурилмалардан водород кўп миқдорда чиқиб туриши мумкин ва ЙҚБК дан ошмаслиги учун сунъий вентилизация ўрнатилиш мажбурийдир. Улар автоматик равишда ишлайди. Гидрогенлар цехининг биноси темир-бетон конструкцияли бўлиб ёнғинга ва портлашга чидамли бўлиши шарт. Цехдаги ускуналарни айниқса ҳафвли жараёнлар борадиган ускуналар мустаҳкам ўрнатилиши керак. Фавқулотда ҳолатлар юз берганда мумкин қадар тез ва ўз вақтида керакли қутқарув ишлари жумладан ўтни ўчиришда шикастланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш керак.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур малакавий битирув ишида Саломас ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш иши амалга оширилди. Бу жараёнда ҳарорат, босим, сарф, сатх кўрсаткичлари ўрганилди.

Технологик жараёнларни автоматлаштириш бўлимида автоматлаштириш назарияси ва уни амалиётга тадбиқ этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўлчовчи ва бошқарувчи қурилмалар ҳозирги замон технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган МЕТРАН, SIEMENS, SAMSON, каби фирма маҳсулотидан фойдаландим.

Автоматик бошқариш тизимини ҳисоблашда ростлагичлар коэффициентлари МАТЛАБ программаси ёрдамида ҳисобланди.

Мен мазкур малакавий битирув ишида кўрсатилган технология орқали замонавий, автоматлаштирилган саломас ишлаб чиқариш жараёнини ҳаётга тадбиқ этишни тавсия қиламан.

Мен ўз олдимга қуйган вазифаларни кириш, технологик қисм, иқтисодий қисм, меҳнат ва фуқаро муҳофазаси, хулоса ва адабиётларни ёритиб бериш билан ваҳоли қудрат ҳал қилдим деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кутарадиган йил булади" мавзусидаги маърузасини урганиш буйича уқув кулланма Т. 2012 ;
2. Руководства по технологии производства и переработка растительных масел и жиров, А. ВНИИЖ, Т 1985 ;
3. Ё. Кодиров "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси" , Тошкент, "Шарк" нашр, 2007;
4. П. Илхамджанов ва бошқалар "Ёғ-мой саноати корхоналари қурилма усқуналари", Тошкент, "Шарк" нашр, 2007;
5. Б. Н. Чубинидзе и др. "Оборудование предприятий масло-жировой промышленности", М. Агроиздат, 1985;
6. Ю. А. Калашин "Технология и оборудование масложировых предприятий", М. Академия, 2002.- 363 с;
7. В. А. Масликов "Примеры расчетов оборудования производства растительных масел", М. Миш пром,-т 1959;
8. Е. Д. Ситников "Практикум по расчетам оборудования предприятий для производства жиров и жирозаменителей" М. Агропромиздат. 1991;
9. К. Ф. Павлов, П.Т. Романов "Примеры и задачи по курсу Пи АХТ", М. 1976.
10. Бережной С.А., Романов В.В., Седов Ю.И. Безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие. - Тверь: ТГТУ, 1996. - 217с.
11. Бережной С.А., Романов В.В., Седов Ю.И. Сборник типовых расчетов и заданий по экологии: Учебное пособие. - Тверь: ТГТУ, 1995. - 125с.
12. ГОСТ 12.1.038-82 «ССБТ. Электробезопасность. Предельно допустимые значения напряжений прикосновения и токов»
13. Правила устройства электрооборудования. - М.: Энергоатомиздат, 1985. - 93с.
14. Н.Юсуфбеков, Б.Мухамедов, Ш.Фуломов. Технологик жараёнларни бошқариш системалари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1997.-704 б.
15. Полоцкий Л.М., Лапшенков Г.И. Автоматизация химических производств. - М.: Химия, 1982.- 295 с.
16. Учеб пособие для вузов по спец. «Автоматизация технологических процессов и производств» / Под ред. Л.Н. Плужникова. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Легпромбытиздат, 1984.- 366с.
17. Мамиконов А.Г. Проектирование АСУ.- М.: Высшая школа, 1987.- 303 с.
18. Стефани Е.П. Основы построения АСУ ТП.- М.: Энергоиздат, 1982.- 352с.